2016 ЙИЛ 4 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 25 (13.088)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ислом Исмоилов олган сурат

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Банклар ассоциацияси ҳамкорлигида аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича тижорат банклари ўртасида ўтказилган танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Танловда 26 тижорат банкининг 854 филиали ҳамда жойлардаги 4 минг 300 га яқин мини-банк ва махсус кассалар иштирок этди.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ БАНКЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси Ф.Умаров, Марказий банк раиси Ф.Муллажонов, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси раиси С.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 31 октябрдаги "Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида"ги Қарори молия муассасаларини янада ривожлантириш, аҳолининг бўш пул маблағларини депозитларга жалб этишга кучли рағбат бағишлаётганини таъкидлади.

Аҳолининг омонатга қўйилган маблағлари барча турдаги солиқлардан озод қилингани, манбалари декларация қилинмаслиги ҳамда омонатларнинг қайтарилиши давлат томонидан кафолатлангани каби имтиёзлар туфайли банклардаги депозитлар кўпайиб бормоқда. 2015 йилда тижорат банкларидаги аҳоли омонатларининг ҳажми 2014 йилга нисбатан 28 фоизга ошгани бунинг тасдиғидир. Мамлакатимиз тижорат банклари миллий ва чет эл валютасида чекланмаган миқдор ва муддатларда икки юз элликдан ортиқ омонат турини аҳолига таклиф этмоқда.

Танловда тижорат банкларининг 2015 йилда аҳолининг бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилиш борасидаги фаолияти 8 асосий ва 11 қўшимча номинация бўйича баҳоланди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки "Аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши банки", дея эътироф этилди.

Шаҳарларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг амалиёт бошқармаси, қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилишда "Алоқабанк"нинг Кармана тумани Навоий филиали, пластик карточкалар асосида иш ҳақи лойиҳаларини амалиётга жорий этиш бўйича "Микрокредитбанк"нинг Косонсой филиали танлов ғолиби бўлди.

– Банкимизда муддатлари икки ойдан бир йилгача бўлган йиғирмага яқин омонат тури жорий этилган, – дейди "Микрокредитбанк"нинг пул муомаласи департаменти директори Раҳимжон Эргашев. – Бунинг самарасида жисмоний шахсларнинг омонат ҳисобрақамларидаги маблағлар қолдиғи 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 50 фоизга кўпайди. Пластик карточкалар сони 959 минг 400 дан ошди. Шунга мос равишда ўрнатилган терминаллар сони қарийб 13 мингтага етди. Жорий йилда янада жозибадор ва қулай омонатларни жорий этиш ниятидамиз.

Танловда, шунингдек, қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши мини-банки, шаҳарларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши жамғарма-махсус ғазнаси, энг яхши инновацион банк, энг замонавий жиҳозланган бўлинма, миллий валютадаги энг яхши жамғарма депозит каби йўналишлар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди. Ғолиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН "FITUR – 2016" ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК ЯРМАРКАСИДА

Жорий йилнинг 20-24 январь кунлари Мадрид шаҳрида дунёнинг энг йирик сайёҳлик анжуманларидан бири – "FITUR – 2016" халқаро сайёҳлик кўргазмаси бўлиб ўтди.

Бу йил 36-маротаба уюштирилган мазкур тадбирда 165 давлатдан 9,5 мингдан зиёд сайёҳлик компаниялари вакиллари, жумладан, Ўзбекистон туроператорлари ҳам иштирок этди. Айтиш жоизки, мамлакатимиз ушбу сайёҳлик анжуманида ўн бир йилдан бери фаол қатнашиб келади.

Навбатдаги кўргазмада юртимизнинг сайёҳлик соҳасидаги бой ва ранг-баранг салоҳияти "Ўзбектуризм" Миллий компанияси, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ ҳамда "Ulysse Tour", "Orient Voyages", "Eimundo Tour", "C.A.T.I.A", "Olimpic Tour Service", "Central Asia Travel" сингари туроператорлар томонидан кенг намойиш этилди.

"FITUR-2016" доирасида Ўзбекистоннинг Испаниядаги элчихонаси кўмагида республикамиз сайёҳлик имкониятларига бағишланган тақдимот ҳам ўтказилди. Унда иштирокчилар ва меҳмонлар мамлакатимизнинг ушбу жабҳадаги улкан салоҳияти ҳамда мустақиллик йилларида туризмни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар билан яқиндан таништирилди.

— Ўзбекистон стендидан жой олган маълумотлар барчада катта қизиқиш уйғотди, — дейди **Испаниянинг сайёҳлик соҳасида фаолият кўрсатадиган "Vision" журналистлар уюшмаси президенти Томар Родригес.** — Давлатингиз Буюк Ипак йўлининг энг муҳим марказларидан биридир. У бугунги кунда нафақат Испания, балки бутун дунёда маълуму машҳур. Ўзбек халқи ўз маданиятини кўз қорачиғидек асраб, тарихига ҳурмат билан муносабатда бўлаётир. Бундай ёндашув сайёҳлик ривожига хизмат қилиши, шубҳасиз.

— Испания ишбилармон доиралари вакиллари ҳам Ўзбекистон билан алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор эканликларини билдиришди.

— Ўзбекистон билан ҳамкор бўлиш биз учун катта шараф, — дейди **"AD.Air Carg" компанияси менежери Игнасьо де Хиерро.** — Мамлакатингизнинг "FITUR - 2016"да иштироки бизга маданият ва сайёҳлик соҳаларидаги ўзаро муносабатларимизни янада кенгайтиришга имконият яратади. Шубҳа йўқки, ҳар икки томон шериклик қилиш учун улкан салоҳиятга эга. Масалан, авиақатновлар соҳасида алоқаларни кенгайтириш ўзаро муносабатларимизнинг янада ривожланишига катта ҳисса қўшади. Ярмарка давомида "Ўзбектуризм" Миллий компанияси ҳамда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси вакиллари билан ана шундай муҳим масалаларни муҳокама қилишга муваффақ бўлдик.

— Компаниямиз Ўзбекистон ва Испаниянинг сайёҳлик ҳамда ишбилармон доиралари ўртасида ўзаро алоқаларни ўрнатиш борасида фаол иш олиб бораётир, — дейди **"RTI-Tours" сайёҳлик компанияси директори Хорхе Альварес.** — Сўнгги пайтларда испаниялик сайёҳлар ўртасида мамлакатингизга бориш иштиёқи тобора ортаётгани ана шу ҳамкорликнинг ёрқин самараларидир. Уларда юртингизнинг бой тарихи, халқингизнинг маданияти, анъаналари ҳамда Самарқанд, Бухоро, Хива сингари қадимий шаҳарларингизга қизиқиш юқори. Бу эса манфаатли алоқаларимизнинг изчил ривожланишига хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

МАҲАЛЛА ВА ФАРОВОНЛИК

...Талабаликка қабул қилинганлар орасида борлигини билган Наргизанинг қувончи чексиз эди. Аммо тўлов-контракт масаласи уни бироз ўйлантириб қўйди.

Наргиза ота-онасидан эрта ажралган бўлса-да, меҳр-эътибордан четда қолмади. Давлатимиз томонидан барча шароит муҳайё этилган, она меҳри мавжуд "SOS – болалар маҳалласи"да улғайди. Унинг мустақил ҳаётдаги илк муваффақияти ҳам, албатта, қўллаб-қувватланди. "SOS – болалар маҳалласи" мурожаатига асосан Наргиза Эргашеванинг олий ўқув юртида ўқиши учун тўлов "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг Мирзо Улуғбек тумани бўлинмаси томонидан тўлаб берилди.

...Миробод туманининг Файзиобод маҳалласида яшовчи Умиджоннинг тўйи ихчам, батартиб, самимият асосида ўтгани билан барчанинг кўнглини шод қилди. Хасталиги сабабли ўғлини уйлантиришга қийналган Санобар опа маҳалладошларининг меҳр-оқибати, бағрикенглигидан боши осмонга етди. Маҳалланинг асл моҳияти, кучини дилдан ҳис этиб, шу заминда туғилганига шукрона келтирди.

...Эндигина қирқ ёшга етганида Даврон Ҳакимов тузалмас дардга чалиниб, юролмай қолди. Аёли ва фарзандлари тушкунликка тушиб, оилада моддий қийинчилик сезилди. Шайхонтоҳур туманининг Ипакчи маҳалласида истиқомат қилаётган бу оиланинг жонига ҳам маҳалла ора кирди. Даврон ўзига мос иш, ногиронлар аравачаси билан таъминланди, оиласи ҳар ойда моддий қўллаб-қувватланадиган бўлди.

Ҳа, асрлар оша меҳр қўрғони сифатида яшаб келаётган маҳалланинг эътиборидан мамнун кўнгилларнинг сон-саноғи йўқ бугун. Чунки мустақиллик туфайли маҳалла ўзига хос фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти сифатида шаклланди. Давлатчилигимиз тарихида биринчи марта "маҳалла" тушунчаси Конституциямизга киритилиб, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми аниқ белгилаб қўйилди. Бу тузилма бугун ўзини ўзи бошқариш идораси, ҳақиқий демократия дарсхонаси сифатида кенг кўламли фаолият олиб бораётир.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири бугунги кунда янада кенгайди. Айни пайтда мамлакатимизда ўн мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи фаолият кўрсатмоқда. Ушбу тузилма аҳоли турли қатламлари манфаатларини ифода этиш баробарида, уларнинг фаоллигини оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этаётир.

– Юртимизда маҳалла институти чинакам миллий қадриятлар, меҳр-оқибат масканига айланди, – дейди Юнусобод тумани "Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳусан Ниғмонов. – Бу мамлакатимизда аждодлардан мерос эзгуликлар сайқал топган бу гўшанинг жамиятда ўрни ва қадрини топишига барча зарур шарт-шароит яратиб берилгани туфайлидир. Бугун одамларимиз қувончу ташвишларини маҳалла билан баҳам кўриши кўпчилик муаммоларнинг осон ва ўз вақтида барҳам топишига йўл очмоқда. Маҳалла фаолларига кўпни кўрган нуронийларимизнинг камарбаста бўлаётгани сабабли исрофгарчилик, қўйди-чиқдиларга йўл қўйилмаётир.

2013 йил 22 апрелда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуни асосида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари янада кенгайтирилди. Эндиликда бу тизим аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, айниқса, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандликни ривожлантиришга кўмаклашиш, давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш каби ўттиздан ортиқ вазифани адо этмоқда.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Жиззах вилоятида 2015 йилда саноат соҳасида 254 миллиард сўмлик 213 лойиҳа амалга оширилди. Корхоналар модернизация қилиниб, 50 дан зиёд турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

● Наманган вилояти мудофаа ишлари бошқармасининг йиғин пунктида муддатли ҳарбий хизматга отланаётган ёшларнинг дастлабки гуруҳини давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ва ота-оналар иштирокида тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.

● Сирдарё вилоятида фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари учун ўқув-семинар ўтказилди. Семинарда маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг ўрни ва роли, фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ва хотин-қизлар билан ишлаш комиссияларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш каби мавзуларда маърузалар тингланди.

● Бухоро вилоятининг Бухоро туманида замонавий савдо маркази иш бошлади. "Шехонча" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида "Давр-Прогресс" масъулияти чекланган жамияти томонидан ўз маблағи ва "Ҳамкорбанк"нинг 410 миллион сўмлик кредити эвазига барпо этилган "Шехон-маркет" савдо марказидан озиқ-овқат, мева-сабзавот, саноат моллари, болалар кийим-кечаклари, ўйинчоқ каби турли маҳсулотларни харид қилиш мумкин. Тўлов мижозга қулай шаклда, жумладан, пластик карточка орқали амалга оширилмоқда.

ЖАҲОНДА

● Хитойнинг Шаньдун музофотидаги босиб қолган гипс конида ҳалокат рўй берганидан сўнг 36 кун ўтгач тўрт нафар ишчи қутқариб олинди. Ўтган вақт давомида қутқарувчилар туннелларни пармалаб, конда тирик қолганларга егулик етказиб туришди. Ҳозирча, 13 кишининг тақдири номаълумлигича қолмоқда.

● Нидерландияда WePod ҳайдовчисиз электр автобуслари ҳаракатланадиган янги йўналиш ишга туширилди. Ушбу машина тўлиқ автоматлаштирилган ва рул бошқарувига эга эмас. Автобус ҳаракатланиш вақтида йўналишнинг батафсил хариталари камералар, радар ва лазер датчиклардан олинадиган маълумотларга таянади.

● 2016-2017 йилларда тил ўргатиш курсларининг ташкил этилишини ҳам ҳисобга олган ҳолда қочқинларни жойлаштириш ва уларга хизмат кўрсатиш Германияда салкам 50 миллиард еврога тушиши ҳисоблаб чиқилди.

ЮКСАК ПАРВОЗЛАР САРИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг 1992 йил 28 январдаги фармонига биноан "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ташкил этилди.

Бугун мустақил диёримизнинг пўлат қушлари дунё осмонини тўлдириб учмоқда. Янги авлод лайнерлари, ходимларнинг юқори касбий малакаси Ўзбекистон миллий авиаташувчисининг дунё авиабозорида барқарор ва ишончлилиги тасдиғидир.

Ўзбекистон фуқаро авиациясининг босқичма-босқич ривожи натижасида авиапаркни янгилаш, ер усти инфратузилмасини модернизация қилиш бўйича кенг миқёсли дастурлар амалга оширилди. Бу эса авиакомпания хизматлари сифати ва хавфсизлигини нафақат самода, балки ерда ҳам тўлиқ таъминлаш имконини берди.

Пировардида, нафақат минтақавий, балки жаҳон авиаташувлар бозорида етакчилар қаторидан ўрин олган Ўзбекистон фуқаро авиацияси мамлакатимиз фахрига айланди. Сўнгги беш йилликда авиакомпания бир қатор катта лойиҳаларни амалга оширди. Ўрта магистрал масофага қатновчи "Airbus-320", янги йўловчи ва юк ташувчи "Boeing-767" самолётлари эксплуатацияси бошланди. Миллий авиакомпания тренажёр мажмуасида ҳаво кемаларининг замонавий тренажёр ва "Full-flight" симуляторлари ўрнатилди. "Навоий" аэропортида янги юк ва йўловчи терминаллари, Бухоро ва Урганчда замонавий аэровокзаллар, Тошкент — 3 янги маҳаллий йўналишлар аэровокзали ва "Тошкент" аэропортида учиб кетувчи йўловчилар учун янги блок ишга туширилди.

Сингапур, Волгоград, Хабаровск, Калининград, Минск шаҳарларига янги қатновлар йўлга қўйилди. Республиканинг барча аэропортлари реконструкциядан чиқарилиб, модернизация қилинди, ишончли ва такомиллашган текширув техникаси билан таъминланди. Ҳозирда барча аэропортлар халқаро мақомга эга.

Давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган катта эътибор боис, соҳа ходимлари олдига қўйилган устувор вазифалар миллий авиакомпания таркибий бўлинмаларида босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда хавфсизлик, йўловчи ва авиация техникаси сервисининг сифатини ошириш, юқори малакали кадрлар тайёрлашга бўлган эътибор янада кучайди. Шунингдек, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК технологик базаси мунтазам равишда янгиланиб, миллий авиакомпания аэропортлари ва объектларининг техник таъминоти янада такомиллаштирилмоқда. Йўловчиларга хизмат кўрсатиш даражаси ҳам яхшиланиб, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ортмоқда. Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш тизимида Ўзбекистон ҳаво кенгликларидан фойдаланувчилар кўламини кенгайтириш ва парвозлар хавфсизлигини янада ошириш имконини берувчи RVSM (вертикал эшелонлашнинг қисқартирилган минимуми) ва QNH (бутунжаҳон парвоз баландлигини ҳисоблаш) янги тизимлари жорий этилди.

Ҳақли равишда фахрланса арзийдиган эътироф — Авиация хавфсизлиги Европа агентлиги (EASA) миллий авиакомпаниянинг хавфсиз авиаташувчи сифатидаги мақомини тасдиқлади. МАК IOSA аудитидан муваффақиятли ўтиб, қатор хорижий аэропортлар томонидан "Энг пухта авиакомпания" деб тан олинди. Бухоро, Самарқанд ва Урганч ҳаво масканлари "Фуқаро авиацияси аэропорти" бирлашмасининг "МДҲ давлатлари орасида йилнинг энг яхши аэропорти" нуфузли кўрик-танловида бир неча бор ғолибликни қўлга киритди. Қувонарлиси шундаки, МАК мутахассислари ҳар йили давлат мукофотларига сазовор бўлмоқда.

Ўтган 2015 йилда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ҳаво лайнерларида 23 минг 269 қатнов амалга оширилди. Авиакомпания хизматларидан 2 миллион 572 минг 289 йўловчи фойдаланди. Пуллик багажни ҳисобга олган ҳолда жами 42 минг тоннага яқин юк ташилди. Ҳозирги кунда Халқаро интермодал логистика маркази (ХИЛМ) фаолият юритаётган "Навоий" аэропортидан Деҳли, Мумбай, Дубай, Франкфурт, Шанхай, Сеул, Милан, Вена, Ханой ва Сарагосага юк қатновлари бажарилмоқда. 2015 йил мобайнида ушбу марказдан 692 қатнов бажарилиб, 35 989,2 тонна юк ташилди, бу эса 2014 йилга нисбатан 16 фоизга ортиқдир.

Янги авиация техникаси — бу Ўзбекистон авиакомпанияси парвозлари хавфсизлиги ва мунтазамлилигини таъминлашда асосий мезонлардан биридир. Осиё ва Европа, Америка ва Японияниг 40 дан зиёд шаҳарларига парвозларни амалга оширадиган МАК ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ва яроқлилигини таъминлаш авиакомпания фаолиятида муҳим ўрин тутади. Миллий авиаташувчи ҳозирда жорий йилнинг сентябрь-ноябрь ойларида олиб келиниши кутилаётган иккита "Boeing-787 Dreamliner" самолёти эксплуатациясига ҳозирлик кўрмоқда. Энг замонавий, узоқ масофага учувчи "Boeing-787" лайнери замонавий технологиялар асосида яратилган ва юқори иқтисодий самарадорликка эга. Самолётнинг йўловчилар салони дизайнига мутлақ янгича ёндашув экипаж аъзолари ва йўловчиларга узоқ парвоз давомида барча қулайликлар яратади. Ушбу ҳаво лайнери узоқ ва ўта узоқ халқаро йўналишларда эксплуатация қилинади ҳамда Тошкент — Нью-Йорк йўналишида узлуксиз парвозларни амалга оширишга имкон яратади.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ташкил топган кунда авиакомпания ва хориж компаниялари самолётларини таъмирлаш, уларга барча турдаги техник хизмат кўрсатиш базаси ҳамда малакали мутахассисларга эга "Uzbekistan Airways Technics" авиакорхонасида самолётларнинг композит материалларини таъмирлаш маркази очилди.

Таъкидлаш жоизки, авиакорхона мутахассислари аввалдан "Airbus A-320" ва "Boeing -757/767" самолётларининг композит материаллари билан ишлаш тажрибасига эгадир. Ушбу марказнинг ишга туширилиши техник хизмат кўрсатиш бўйича миллий провайдер олдида янги ривожланиш истиқболини очган ҳолда Ўзбекистон авиакорхонасининг бозоридаги жаҳон авиация бозорида муваффақиятли фаолияти тарихини давом эттиради.

Миллий авиакомпаниянинг "Boeing" корпорацияси билан ҳамкорликдаги ушбу лойиҳа Ўзбекистон фуқаро авиациясининг замон билан ҳамнафаслиги ва унинг дунёдаги янги технологияларни ўзлаштиришга, ривожланишга бўлган ҳаракатини яна бир бор исботлайди.

"Boeing" компанияси мазкур марказга ярим миллионга яқин АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритди. Бу маблағ ҳисобидан корхонага титанли эритмаларни қайта ишлаш инерт муҳитли печлар ҳамда барча турдаги самолётларнинг композит материалларини таъмирлаш учун зарур жиҳозлар тўпламлари етказиб берилди. Марказнинг самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида "Boeing" компаниясида ишлаб чиқарилган ҳаво кемаларининг композит материалларини таъмирлаш бўйича ўқув-машғулотларни ўтаган малакали мутахассислар жалб этилди. Механиклар Сингапурда "Basic Composites Repair and Metal Bond" курси бўйича назарий ва амалий тайёргарликни, муҳандислар эса Сиэтлда назарий тайёргарликни ўтадилар.

Шунингдек, жорий йилда "Uzbekistan Airways Technics" мутахассисларини "Boeing -787 Dreamliner" самолётларининг композит материалларини таъмирлаш бўйича ўқитиш ҳам режалаштирилган.

Авиакомпаниянинг олдинга интилиши ва истиқболи унинг улкан режаларида намоён бўлмоқда. Ҳозирда Жанубий Кореялик ҳамкорлар билан яна бир қўшма лойиҳа — Марказий Осиёда энг замонавий бўлиши кутилаётган "Тошкент — 4" янги йўловчилар терминалининг қурилиши устида иш олиб борилмоқда. Бу каби лойиҳаларнинг амалдаги татбиқи эса яқин келажакда Ўзбекистон фуқаро авиациясини жаҳон авиасаноати майдонида хавфсиз, ишончли ва барқарор авиаташувчи мақомини сақлаган ҳолда янги, янада сифатли даражага кўтаришда ўзига хос ўрин тутади.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси навбатдаги тўлиқ пилотаж тренажёри — "Boeing" самолётлари учун "Full-flight" симуляторини сотиб олиш масаласини кўриб чиқди. Бу ютуқларда, албатта, миллий авиакомпания ходимларининг ҳиссаси катта. Ҳукуматимизнинг бевосита қўллаб-қувватлаши ҳамда юқори малакали мутахассисларнинг фидокорона меҳнати туфайли "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси бугунги кунда жаҳонда барқарор, хавфсиз, кучли ва илдам ривожланаётган авиакомпания сифатида эътироф этилмоқда.

Шукур ЖАББОР,
"Туркистон-пресс"

ЎЗБЕКИСТОН "FITUR — 2016" ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК ЯРМАРКАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Испаниядаги "Дипломат" нашрининг директори Альберто Рубио республикамизга келаётган испан сайёҳларининг сонини кўпайтиришга оммавий ахборот воситалари ҳам кўмаклашиши лозимлиги хусусида тўхталиб ўтди.

— Ўзбекистон Испанияга дўст мамлакат, — дейди у. — Мамлакатларимизнинг тарихий-маданий алоқалари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Европадан Амир Темур саройида бўлган биринчи элчи испан дипломати Руи Гонсалес де Клавиходир. Ўшандан буён испанияликларнинг Ўзбекистонга нисбатан қизиқиши ва ҳурмати баланд.

Мен оммавий ахборот воситалари вакиллари гўзал диёрингиз, унинг тарихи, маданияти ҳамда давлатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни акс эттирган хабар ва мақолаларни янада кенгроқ ёритмоғи лозим, деб ҳисоблайман.

"FITUR — 2016" халқаро сайёҳлик ярмаркаси доирасида "Ўзбектуризм" Миллий компанияси делегациясининг ЮНВТО раҳбарияти билан учрашуви бўлиб ўтди. Бундан ташқари, Испания Саноат, энергетика ва сайёҳлик вазирлигида ҳамда қатор испан сайёҳлик компанияларида ташкил этилган тадбирлар чоғида мазкур йўналишдаги ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Ярмарка давомида мамлакатимиз туроператорлари маҳаллий компаниялар билан янги алоқалар ўрнатиш билан бирга, Ўзбекистон бўйлаб саёҳатлар уюштириш юзасидан бир қатор манфаатли шартномалар ҳам тузишди.

"Жаҳон" АА.
Мадрид

МАҲАЛЛА ВА ФАРОВОНЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатлари доирасидан аҳолининг эҳтиёжманд қатламини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш ўрин олган. Ўзбекистон "Маҳалла" ҳайрия жамоат фондидан маълум қилишларича, нуронийлар, ногиронлар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаганлар доимий қўллаб-қувватланаётир. Улар моддий ёрдам, озиқ-овқат ва кундалик зарурий маҳсулотлар билан узлуксиз таъминланмоқда.

Эътиборлиси, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган кўмакка муҳтож талабаларга жорий ўқув йили учун 353 миллион сўм контракт пули маҳаллалар орқали тўлаб берилди.

Маҳалла давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, тижорат банклари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда кам таъминланган оилалар фарзандларига никоҳ тўйи каби тадбирларни ўтказишда кўмаклашиши зарурлиги қонунда баён этилган. Шунга мувофиқ маҳалла идоралари ижтимоий муҳофазага муҳтож оила фарзандларининг никоҳ ва хатна тўйларини ўтказишга кўмаклашмоқда.

Бугунги кунда маҳалланинг жойларда ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини қарор топтириш, осойишталик ва фаровонликни таъминлашдаги ўрни ва ролини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Маҳаллаларимизда хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес ва ҳунармандлик янада ривож топмоқда. Мамлакатимиздаги тўрт ярим миллиондан ортиқ оила ўз томорқасига эга. Гўшт-сут маҳсулотлари, мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларининг асосий қисми маҳаллаларда тайёрланмоқда.

Аҳоли фаровонлигини янада ошириш, маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш мақсадида қонунчиликда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мулк ҳуқуқи кафолатлари кенгайтирилган. Эндиликда фуқаролар йиғинлари тегишли ҳудудда фаолият юритаётган ҳунармандлик цехлари, сартарошхона, пойабзал таъмирлаш, тикиш устахоналари, аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи бошқа корхоналар ташкил этиши мумкин. Қолаверса, фуқаролар йиғинлари тадбиркорлик субъектлари, хусусан, оилавий тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун кредитлар олишда кафил бўла олади.

Бундай имкониятлар самарасида маҳаллаларда хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес ривожланмоқда. Масалан, Учтепа туманининг Ўрикзор маҳалласида элликка яқин кичик бизнес субъекти мавжуд. Маҳалла аҳлининг ярмидан кўпи шу корхоналарда меҳнат қилади. Булар жумласига тикувчилик цехлари, сартарошхоналар, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўконлар, ошхоналар, дорихоналар, пойабзал устахонаси, қариялар оромгоҳи кабилар киради. Кундалик эҳтиёж учун маҳалла аҳли узоққа боришига асло ҳожат йўқ. Ўтган йили маҳалланинг кўмаги ва кафиллиги асосида маҳалла чеварларига имтиёзли кредитлар олиб берилди.

Бир сўз билан айтганда, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада ошириш билан боғлиқ масалалар ечимида маҳаллаларимизнинг ўрни ва роли юқори бўлиб, жорий йилда ҳам шу йўналишдаги хайрли ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА шарҳловчиси

ЗАР ҚАДРИНИ ЗАРГАР БИЛАР

Нодира Тошхўжаеванинг ҳунарманд бўлишига катта ўғли Аюбхон сабабчи бўлди. Ўқитувчилар Аюбхонга қутича ясаб келишни уйга вазифа қилиб тайинлашди. Нодирахон ўғли Аюбхонга ёрдам бериш мақсадида қутичага керакли хом ашё олиб келиб, уни ясашга ҳаракат қилишди. Аюбхон билан биргаликда ясаган қутичалари Нодирахонга маъқул келди. Ўғли билан баҳс бойлашиб, ўқитувчилар унга юқори баҳо қўйишини, қутичани олиб қолишини айтди. Худди айтганидек бўлди.

Ундан кейин интернетдан ҳунармандлик сирларини мустақил ўрганди. Шу-шу бўлди-ю, Н.Тошхўжаева катта-кичикка маъқул бўладиган турли совғалар, сувенирлар ясайдиган бўлди. Кейинчалик оддий металлга ишлов бериб, уларни зар билан безаб, тақинчоқлар ясай бошлади.

Нодира илк бор қатнашган кўргазмасини яхши эслайди. Ўшанда ҳунармандлар уюшмаси аъзолари унинг ишига юқори баҳо беришиб, уюшмага аъзо бўлиш таклифини билдиришганди.

Шу тариқа Н.Тошхўжаева аёлларнинг турли тақинчоқларини ясаб, нодавлат ташкилотлари эътиборига тушди. 2014 йил Бухорода ташкил этилган "Ипак ва зираворлар" фестивалида иштирок этиб қайтди. Бухорою шариф ҳунармандлари, заргарлари иш фаолияти билан яқиндан танишди.

2015 йил "Ташаббус" кўрик-танловининг Миробод тумани босқичида "Энг яхши ҳунарманд" номинацияси бўйича биринчи ўринни қўлга киритди.

— Келажакда ниятларим ўқув маркази очиб, фаолиятимни ривожлантириш, бир неча кишини иш билан таъминлашга қаратилган, — дейди ҳунарманд Н.Тошхўжаева.

З.ШАРИФЖОНОВ

Реклама ўрнида

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланиб бормоқда. Бу борада жойлардаги тижорат банкларининг ажратаётган кредитлари муҳим ўрин тутаётир.

МИЖОЗ МАНФААТЛАРИ УСТУВОР

InfinBANK

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, "...Ўзбекистон кейинги йилларда тадбиркорлик фаолияти учун ишбилармонлик муҳитини яхшилаш соҳасида энг яхши натижаларга эришган дунёдаги ўнта давлат қаторидан жой олгани қайд этилган.

Ана шу йўналишдаги ислоҳотлар натижасида ялпи ички маҳсулотимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,7 фоизга етгани ёки 1,8 баробар ошганини алоҳида таъкидлашни истардим. Ҳозирги пайтда ушбу соҳада жами саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд жами аҳолининг 77 фоиздан ортиғи – шунга эътибор беринг – мазкур тармоқда меҳнат қилаётгани, ўз пешона тери билан нафақат ўз оиласини боқаётгани, балки мамлакатимиз бойлигига бойлик қўшаётгани, аввало, мустақиллик бизга очиб берган имкониятларнинг яққол исботи, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан..."

Албатта, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашда тижорат банкларининг ҳиссаси сезиларли даражада ошиб бормоқда.

Бу борада "Invest Finance Bank" АТБнинг ҳам ўз ўрни бор. Банк, йирик ва ижтимоий характерга эга лойиҳаларни молиялаштириш билан бир қаторда коллеж битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун имтиёзли кредитларни ажратмоқда. Бу ҳакда айрим мижозларнинг фикрларини келтириш ўринли.

Ҳ.Насриддинов,
якка тартибдаги тадбиркор
(Андижон вилояти)

— 2015 йилда Пахтаобод туманидаги қурилиш ва коммунал хизмат кўрсатиш коллежида дурадгорлик касбини чуқур эгаллаганимдан сўнг якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, тадбиркорлик фаолиятимни бошладим.

Фаолиятимни ривожлантириш мақсадида "Invest Finance Bank" АТБ Андижон вилоят филиалига кредит олиш учун ариза билан мурожаат қилдим. Банк ходимлари қисқа фурсатда бизнес лойиҳамни қўллаб-қувватлаб, 19 млн. сўм кредит ажратиб беришди. Ҳозирда намунали фаолият юритиб келмоқдаман.

Ф.Тиллаев, "Фурқат техсервис"
МЧЖ директори
(Бухоро вилояти)

— Мустақилликка эришгандан сўнг ўтган 24 йил ичида мамлакатимизда транспорт хизмати кўрсатиш даражаси кескин ошди. Ўзимизнинг маҳаллий заводларда ишлаб чиқарилаётган машиналар одамларнинг оғирини енгил қилмоқда. Хизмат кўрсатиш фаолиятимизни кенгайтириш мақсадида юртимизда ишлаб чиқарилган замонавий "ISUZU" русумли автобусларни олиб келиш учун "Invest Finance Bank" АТБ Бухоро филиали кредитидан фойдаландик.

2015 йил февраль ойида 1,5 йил муддатга 1, 115 млн. сўмлик лизинг ажратилишини сўраб мурожаат қилганимизда, банк мутахассислари томонидан кўрсатилган амалий ёрдам туфайли кредит қисқа даврда расмийлаштирилиб берилди. Олинган маблағ ҳисобидан 20 кишини иш билан таъминладик. Бунинг учун банк раҳбариятига алоҳида миннатдорлик билдирамиз.

М.Кўчқорова,
"YOSH DASTURCHI"
МЧЖ раҳбари
(Тошкент вилояти)

— Зангиота маиший хизмат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежини тамомлаганимдан сўнг туманда сервис хизматини ривожлантириш мақсадида "Invest Finance Bank" АТБ нинг Зангиота филиалига 10 млн. сўм миқдорида кредит олиш бўйича мурожаат қилдим, банк томонидан аризам кўриб чиқилиб, имтиёзли фоизда кредит берилди. Бунинг натижасида 3 нафар тенгдошимни ишга олдим, ҳозирда туман аҳолисига компьютер хизматини кўрсатаяпмиз. Келажакда фаолиятимизни кенгайтириш орқали мебель ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчиман.

Бир сўз билан айтганда, "Invest Finance Bank" АТБ иқтисодий ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этиб, барча тижорат банклари қаторида мижозларга замонавий хизмат турларини тақдим этиб бормоқда.

А.ЗОКИРОВ

Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллиги олдидан

АЖДОДЛАР МЕРОСИ — БЕБАҲО НЕЪМАТ

Айни кунларда пойтахтимизда Алишер Навоий таваллуди муносабати билан анжуманлар, давра суҳбатлари ва ижодий кечалар бўлиб ўтмоқда.

Президентимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидлаганидек, она тилига муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга аввало Навоий асарлари билан кириб келади.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Мумтоз ул аброр" жамияти томонидан ўтказилган "Аждодлар мероси — бебаҳо неъмат" мавзуидаги анжуман ҳам шоир таваллуди муносабати билан ташкил этилди.

Анжуманда навоийшунос олимлар, санъаткорлар ва журналистлар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар улуғ мутафаккир шоирларнинг ибратли ҳаёт йўли, улар қолдирган бой адабий ва маънавий мерос ҳақида илиқ фикрларни билдирдилар.

— Ушбу улуғ даҳонинг ҳаёти ва ижоди, улар яратган асарлари ёшларни аждодларимиз хотирасига ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялаш, ижодига бўлган қизиқишни янада орттириш, миллий қадриятларимизга бўлган эътиборни юксалтиришдан иборатдир, – дейди филология фанлари доктори, профессор Омонулла Мадаев. — Алломаларимиз яратган ва бизгача етиб келган маънавий-маърифий меърос асрлар оша авлодлар тафаккурини бойитиш, уларга эзгулик ва яхшилик улашиш тимсолида маънавиятимиз гултожи бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Зеро, ёшлар онгига энг гўзал хислатларни сингдиришда улуғ шоирларимизнинг ғазал ва достонлари алоҳида аҳамият касб этади. Буюк бобокалонларимиз бой ижодий мероси маънавиятимиз гултожи ҳисобланади.

Дарҳақиқат, Алишер Навоий ижоди битмас-туганмас тадқиқот, муҳокама ва мушоҳадалар манбаи. Уни ўқиш-ўрганиш миллий маънавиятимизни юксалтиришга, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришга хизмат қилади.

Гулнигор САТТОРОВА

Юртбошимиз ташаббуслари билан 2016 йилнинг мамлакатимизда "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилиниши бундан икки йил аввал — 2014 йилда номланган "Соғлом бола йили"нинг мантиқий давоми бўлди, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

АҲИЛ ОИЛА — ЖАМИЯТИМИЗ НЕГИЗИ

Мустақиллик йилларида ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом, Ватан тақдирини ўз тақдири деб биладиган баркамол авлодни тарбиялашга, шундай фарзандларни дунёга келтирадиган оналар саломатлигини мустаҳкамлашга, бир сўз билан айтганда, соғлом ва обод оилаларни барпо этишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, "...Соғлом бола, соғлом авлод орзуси аждодларимиздан бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб кетган азалий интилишдир. Агар ота-боболаримизнинг турмуш ва тафаккур тарзига назар солсак, улар инсоннинг наслнасабига, етти пуштининг тозалиги, авлоднинг соғлигига жуда катта эътибор берганини кўрамиз. Соғлом бола соғлом ва аҳил оиланинг меваси бўлиб, фақатгина соғлом онадан соғлом бола туғилади..."

Шу ўринда эътироф этиш жоизки, юртимизда бўлғуси келин-куёвларни никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби ёш оилаларнинг янада мустаҳкам бўлиши, энг муҳими, улардан соғлом фарзандлар дунёга келишида катта аҳамият касб этмоқда.

Албатта, давлатимиз раҳбари маърузасида қайд этилганидек, биринчидан, соғлом бола – аввало соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир. Бу борада эса маҳалла, турли ижтимоий тузилмалар, давлат ва нодавлат ташкилотларининг муҳим ҳиссаси борлиги шубҳасиз. Айнан шу мақсад йўлида Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари томонидан ҳам изчил ва самарали чоратадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, ҳар бир ФҲДЁ бўлими қошида ташкил этилган "Ёш оила қурувчилар мактаб"ларининг ёшларимизни мустақил ҳаётга тайёрлашдаги ўрни сезиларли эканини эътироф этиш керак.

Бу мактабда ёшларимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир кўплаб машғулотлар олиб борилади. Хусусан, уларга мамлакатимизда оила институтига оид қонун ҳужжатлари, мавжуд қоидалар, қариндошлар ўртасидаги никоҳ, эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари ҳақида батафсил маълумотлар берилади.

— Статистик маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, Яшнобод туманида 2015 йил давомида 3932 та туғилиш қайд этилган, демак бундан кўринадики, туманимизда аҳоли сони йилдан йилга кўпайиб бораяпти, янги ёш оилалар ташкил этилаяпти, — дейди Яшнобод тумани ФҲДЁ бўлими мудири Зулайхо Камолхўжаева. — Ўтган йили 1424 ҳолатда никоҳ қайд этилган, бу дегани 2848 йигит ва қиз оила қурган. Эртага бу оилалардан туғилажак зурриёдлар туфайли ўсиш жараёни узвий давом этади. Барчамизнинг асосий мақсадимиз соғлом онадан соғлом болалар дунёга келишига эришмоқликдир.

Президентимиз ўз маърузаларида, аёл – оила гултожи эканлиги, соғлом фарзанд дунёга келишида, уни ҳар жиҳатдан бақувват этиб тарбиялашда аёлларнинг ҳал қилувчи роли ҳақида ҳам алоҳида тўхталдилар. Уларга янада қулай шароит яратиш, авайлаб, ардоқлаш, жамиятимиздаги ўрнини янада мустаҳкамлаш борасида аниқ фикр билдирдилар. Маърузада таъкидланганидек, "...юртимизда қиз болаларнинг – бўлғуси оналарнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом бўлиб вояга етиши, уларнинг ўрта мактабдан сўнг лицей ва коллежларда албатта таълим олишини таъминлаш, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаши бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилган..."

Ҳақиқатан ҳам ҳаётда кўраяпмизки, коллежни битирган қизларда бирор бир касбга қизиқиш бўлади, ҳунар ўзлаштиради. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, жамиятимизнинг фаол аъзосига айланади, бинобарин, эртага у қурадиган оила ҳам мустаҳкам бўлади.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

Тошкент шаҳар ҳокимининг
ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИНИНГ 2015 ЙИЛ 27 ОКТЯБРДАГИ "ТОШКЕНТ ШАҲРИ ҚАБРИСТОНЛАРИДА МАРОСИМ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ ТАРИФЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА"ГИ 924-СОНЛИ ҚАРОРИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 320-модда) 25-моддасига, "Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида"ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 52-сон, 508-модда) 15-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 4 апрелдаги 101-сон қарори билан тасдиқланган "Дафн этиш жойларини сақлаш, улардан фойдаланиш ва қабр усти ёдгорликларини ўрнатиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 14-сон, 138-модда) 8-банди, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бош бошқармаси Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармасининг 2015 йил 30 ноябрдаги 320/01-сонли мурожаат хатини ҳамда Тошкент шаҳар Молия бош бошқармасининг ҳисоблари тўғрисидаги 2016 йил 20 январдаги 01-3/70-сонли хатини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015 йил 27 октябрдаги "Тошкент шаҳри қабристонларида маросим хизматлари кўрсатиш тарифларини белгилаш тўғрисида"ги 924-сонли қарорининг иловаси ("Тошкент оқшоми" газетаси, 2015 й., 228-сон) иловага мувофиқ янги таҳрирда баён этилсин.

2. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бош бошқармаси (А.Каримов), Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармаси (Х.Расулев):

мазкур қарор билан белгиланган Тошкент шаҳри қабристонларида маросим хизматлари учун пулли хизматлар кўрсатишнинг янги тарифлари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган Тошкент шаҳрига тегишли қабристонларда бир хилда қўлланилиши ҳамда кўринарли жойларига ўрнатилиши таъминлансин.

3. Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.tashkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Рахмонов зиммасига юкласин.

Тошкент шаҳар ҳокими
Р. Усманов

2016 йил 28 январь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Шайхонтоҳур туманидаги 320-сонли умумтаълим мактабида Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ҳамкорлигида чет тилларни тарғиб этишга бағишланган фестиваль ташкил этилди. Унда хорижий тиллар ўқитувчилари, ўқувчилар ва ота-оналар иштирок этди.

Таълим

НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ БИЛИМЛАР КЎНИКМАСИ

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб ҳамда хорижий тилларни ўқитиш бўйича халқаро таълим стандартларига асосланган миллий таълим тизимини ривожлантириш бўйича мамлакатимизда кенг кўламли муайян ишлар амалга оширилмоқда.

2013-2014 ўқув йилидан юртимиздаги барча умумтаълим мактабларининг 1-синфидан бошлаб янги давлат талаблари ва ўқув дастури асосида чет тилини ўқитиш йўлга қўйилди. Илк маротаба чет тилидан 1-2 синф ўқувчилари учун янги дарсликлар, мультимедиали илова, ўқувчи иш дафтари ва ўқитувчи учун янги методик қўлланмалар чоп этилди.

Бугунги кунда таълим сифатининг асосий бўғинини ташкил этадиган халқаро стандартларга мос келадиган ўқув қўлланмалари ва дарсликларни яратиш ҳамда уларни чоп этиш борасида дастуруламал ишлар олиб борилмоқда.

Мазкур фестиваль ҳам педагогларнинг билимини янада мустаҳкамлаш, фаоллигини ошириш, уларни янги педагогик технологиялардан хабардор этиш ва тажрибасини оммалаштиришга қаратилган.

Фестиваль доирасида ўқувчилар инглиз тилида турли мавзудаги саҳна кўринишлари, дилрабо куй ва қўшиқлар, дилбар рақслар ижро этишди. Она табиат, йил фасллари, ҳайвонлар, кийим-кечаклар ва умуман кундалик юмушлар зарур бўлган, кўп қўлланиладиган сўзлар асосида мазмунли суҳбатлар уюштирилди.

Тадбир доирасида чет тили соҳаси мутахассислари учун семинар ҳам ташкил этилди. Унда "Йилнинг энг яхши чет тили ўқитувчиси" кўрик-танлови ғолибларининг иш тажрибалари юзасидан фикрлар алмашилди.

Бугунги кунда таълим сифатининг асосий бўғинини ташкил этадиган халқаро стандартларга мос келадиган ўқув қўлланмалари ва дарсликларни яратиш ҳамда уларни чоп этиш муҳим омилдир.

Тадбирда, "English" дарслиги мажмуаси ҳақида умумий тушунча, ўқувчи китоби билан ишлаш, ўрганиш ва баҳолаш, "Ўқитувчиларни методик қўлланма билан таништириш", "Тажриба синов майдонида меъёрий ҳужжатларни расмийлаштириш" мавзуларида ҳам қизиқарли чиқишлар қилинди.

— Таълим соҳасида изчиллик билан амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ҳар жиҳатдан соғлом, баркамол, юксак маънавиятли, теран ва мустақил тафаккурли авлодни камолга етказишдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда, – дейди Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси хорижий тиллар методисти Нигора Икромова. — Ушбу фестиваль педагогларни, чет тили бўйича назарий ва амалий билимларини янада орттириш, билим доирасини кенгайтириш, бир-бирлари билан фикр алмашиш, ҳамкорликда самарали ишлар олиб боришга жалб этишдан иборатдир.

Дарҳақиқат, ёшларга чет тилини шунчаки умумий ҳолда ўргатибгина қолмасдан хориж тилларига бўлган қизиқишини янада кучайтириш бугунги куннинг асосий вазифаларидан биридир. Ушбу фестиваль ўқувчиларнинг тил ўрганишнинг асосий кўникмалари, тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзиш қобилиятларини шакллантиришни ўзида мужассамлаштиришга ёрдам беради. Бу эса ёшларнинг хориж тилларини ўрганишга бўлган қизиқишларини янада оширишга хизмат қилади.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ ЙЎЛИДА

Дунёда инсон қўли билан яратилган кўплаб иншоот ва буюмларга термит (чумолининг зарарли тури)ларчалик катта зиён келтирувчи ҳашарот тури бўлмаса керак. Юртимизда бу ҳашаротнинг 4 тури қайд қилинган. Шундан Туркистон ва Катта Каспийорти термити аҳоли турар жойлари, тарихий иншоотларга катта зарар етказмоқда. Статистик маълумотларга кўра, термитларнинг ҳар йили келтирадиган зарари океан ортининг ўзида 5 миллиард, бутун дунёда 20 миллиард долларни ташкил этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти ҳузуридаги республика термитларга қарши курашиш маркази давлат унитар корхонаси томонидан олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқдир. Марказ мутахассислари томонидан яратилган цилиндрик контейнер ҳамда Anacanthotermes авлоди термитларини қириб йўқотиш учун қурилма Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг патентини қўлга киритган бўлиб, айни пайтда бу воситалардан термитларга қарши курашда унумли фойдаланилмоқда.

— Нафақат турли вилоятларда, балки Тошкент шаҳрининг кўплаб аҳоли пунктларида, тарихий иншоотларда, эски иморатларда ҳам термитлар учраши мумкин. Термит тарқалган бинога тузоқ ем-хўрак қўйилади. Бунинг учун 15 см. узунликдаги диаметри 30-40 мм.ли капсула тузоқ ем-хўрак тайёрланади. Бинонинг атрофига 1 ёки 2 м. оралатиб чуқурча қазилади ва 200 мл. сув қуйилиб, тузоқ ем-хўрак сувда намлангач, шу чуқурчага жойлаштирилади. Сўнгра тўл ёки картон қоғоз билан чуқурчанинг усти ёпилиши керак. Орадан 5-10 кун ўтгач, тузоқ ем-хўрак текшириб кўрилади ва лой-сувоқ билан ўралган термитлар ҳақиқий заҳарли ем-хўракка алмаштирилади. Бу усул бинонинг термит учраши мумкин бўлган жойларига тўлиқ амалга оширилмаса, ҳашаротнинг буткул йўқолишига кафолат бериш қийин. Тошкент шаҳрининг Учтепа туманидаги Фозилтепа маҳалласида термитлардан зарар кўраётган 5 та хонадонга зудлик билан ёрдам кўрсатилиб, уларга етиши мумкин бўлган катта хавфнинг олдини олдик. Пойтахтимизнинг барча аҳоли пунктлари, тарихий иншоотлар қад ростлаган ҳудудлари, ишлаб чиқариш корхоналари, давлат идоралари мониторинг қилиниб, термитларнинг учраш-учрамаслик даражаси чуқур ўрганиб чиқилган, — дейди ушбу марказ раҳбари Қаҳрамон Рустамов.

Марказ ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 2 февралда қабул қилинган "Республикада термитларга қарши курашиш ишларини жадаллаштириш ва уларнинг зарарини бартараф қилиш тўғрисида"ги, 2013 йил 27 майда қабул қилинган "2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида"ги қарорлари ижросини таъминлаб, термитларга қарши курашиш чоратадбирларини амалга ошириб келмоқда. Бу эса аҳолининг хавфсиз муҳитда меҳнат қилиши ва яшашида муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳулкар КУЗМЕТОВА

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари ва Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларнинг маънавий баркамол бўлиб улғайишига хизмат қиладиган болалар қўшиқлари, шеърлари ва ҳисоб шеърларни яратиш бўйича республика ижодий танлови эълон қилинади.

Танловга, ёшидан қатъи назар, республикада фаолият юритадиган бастакор, шоирлар, болалар ижодий жамоалари, мусиқа ва санъат мактабларидаги ижодкорлар таклиф этилади.

Танлов 2 босқичда ташкил этилади.

1-босқич – ҳудудий босқич – Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи ҳудудий касаба уюшмалари бирлашмалари, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, Ёзувчилар уюшмаси ҳудудий бўлимлари томонидан ташкил этилади.

Танловга ижодий ишлар 2016 йилнинг **1 февралидан 1 апрелигача** Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи касаба уюшмалари ҳудудий бирлашмаларида қабул қилинади.

Номзодларни саралаш 2016 йилнинг **1 апрелидан 5 апрелига қадар** амалга оширилади.

Танловнинг **2-босқичи – республика саралаш босқичи** Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Танлов иштирокчиларини рўйхатга олиш, ижодий ишларни қабул қилиш **10 апрелдан 25 апрелгача**, номзодларни саралаш **26 апрелдан 30 апрелгача** ташкил этилади.

Танлов қуйидаги 3 та йўналиш бўйича ўтказилади:

- ***энг яхши янги қўшиқ;***
- ***энг яхши шеър;***
- ***энг яхши ҳисоб шеъри.***

Танловда ғолибликни қўлга киритган ва фаол иштирок этган бастакор, шоирлар ва ижодий жамоалар 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида эълон қилинади ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

Батафсил маълумот учун телефонлар:

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси – 256-87-57, 252-14-57

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги – 239-41-27

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги – 239-41-99

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси – 227-08-25

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси – 233-08-67

Ислом Исмоилов олган суратлар

Спорт янгиликлари

КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА

Пойтахтимизда "Универсиада – 2016" спорт мусобақаларининг саралаш баҳслари ўтказилмоқда. Унда олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар куч ва маҳоратини намойиш этмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантириш асосида ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялашга доимий эътибор қаратилмоқда. Бунда "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада спорт мусобақалари алоҳида ўрин тутмоқда.

Универсиада ўйинлари мамлакатимиздаги олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талаба-ёшлар ўртасида спортни янада оммалаштириш, халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчиларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

– "Кичик Олимпиада" деб эътироф этилган уч босқичли узлуксиз спорт мусобақалари Олимпия ўйинлари қоида ва талаблари асосида ўтказилмоқда, – дейди Тошкент шаҳар олий спорт маҳорати мактаби директори М.Тошматов. – "Умид ниҳоллари" ва "Баркамол авлод" спорт ўйинларида тажриба ва маҳоратини оширган ёшларнинг аксарияти спорт билан мунтазам шуғулланиб, Универсиада мусобақаларида муносиб иштирок этаётир.

Жорий йилда Фарғона вилоятида ўтказиладиган "Универсиада – 2016" спорт мусобақалари дастурига киритилган 15 спорт тури – эркин, юнон-рум кураши, таэквондо (WTF), бокс, дзюдо, енгил атлетика, теннис, стол тенниси, сузиш, оғир атлетика, баскетбол, волейбол, футбол, шахмат, қўл тўпи бўйича саралаш мусобақалари давом этмоқда.

Ж.ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири

Футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси турнири бошланишига ҳам оз фурсат қолмоқда.

ҲАМЮРТИМИЗГА ИШОНЧ

Ушбу нуфузли турнирнинг гуруҳ баҳсларига қадар плей-офф учрашувлари ўтказилади. Ана шундай беллашувлардан бирида Қатарнинг "Ал-Садд" ҳамда БААнинг "Ал-Жазира" жамоалари ўзаро баҳслашишади. Ушбу ўйинни ҳамюртимиз ФИФА рефериси Равшан Эрматов бош ҳакам сифатида бошқарадиган бўлди. Эрматовга қанотларда ҳамюртларимиз Абдуҳамидуллоҳ Расулов ва Жаҳонгир Саидов ёрдам беришади. Ўйиннинг тўртинчи ҳаками Шерзод Қосимов бўлади.

Дарвоқе, ушбу баҳс ғолиби "С" гуруҳидан ўрин эгаллайди. Мамлакатимиз чемпиони "Пахтакор" жамоаси "С" гуруҳида ғолиблик учун кураш олиб боради.

Янги футбол мавсумига жиддий тайёргарлик кўриш мақсадида БААда машғулот йиғини ўтказган "Пахтакор" жамоаси айни кунларда Тошкентда.

МАШҒУЛОТЛАР БЕКОР ҚИЛИНДИ

Пахтакорчилар навбатдаги ўқув-машғулот йиғинини 1-15 февраль кунлари яна БААда уюштиришлари керак эди. Аммо, сўнгги хабарларга қараганда "Пахтакор" БААга бормайдиган ва машғулотларни Тошкентда давом эттирадиган бўлди.

Мухлисларга маълумот ўрнида эслатиб ўтамиз. "Пахтакор" 19 февраль куни "Насаф"га қарши Ўзбекистон супер кубоги учун муҳим учрашувда иштирок этади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ЖИСМОНИЙ БАРКАМОЛЛИК САРИ

Шайхонтоҳур туманидаги 13-мактабда ўқувчилар ўртасида спортнинг баскетбол тури бўйича мусобақа ўтказилди.

"Спорт – саломатлик гарови" шиори остида ўтказилган мусобақа "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтоҳур туман Кенгаши томонидан ташкил этилди.

— Таъкидлаш жоизки, бу каби спорт мусобақалари келажакни ёрқин тасвирлашга интилаётган ёшларнинг баркамол авлод бўлиб вояга етишларида, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этишларига ҳамда соғлом фарзанд бўлиб, юртимиз байроғини юқори чўққиларга кўтаришларига пиллапоя бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтоҳур туман Кенгаши раиси Лазиз Тўраев.

Ташкил этилган мусобақада ғолибликни қўлга киритган жамоаларга "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгашининг дипломлари топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА

КАСАЛЛИКЛАРНИ ЭРТА АНИҚЛАШ – ДАВОЛАШДА МУҲИМ ОМИЛ

Бугун ҳеч кимга сир эмаски, дунё бўйича барча давлатларда онкологик касалликларнинг ўсиши кузатилмоқда. Афсуски шу билан биргаликда ўлим кўрсаткичи ҳам йилдан йилга кўпроқ қайд этилмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири ўсма касалликларини ўтиб кетган босқичларда аниқланиши, касалликнинг яширин кечиши ва эрта босқичларни ўз вақтида аниқланмаслигидир.

Ҳар йили дунё бўйича 14 млн. дан ортиқ кишида онкологик касалликлар аниқланади, ўлим кўрсаткичи эса 8 млн. дан ортиқ кишини ташкил қилади. Онкологик касалликлар ичида энг кўп учрайдиган турлари бу ўпка саратони, сут бези саратони, тўғри ва қўндаланг чамбар ичак саратони, меъда саратони, тери саратони, жигар саратони ва простата бези саратонларидир.

Охирги йилларда жадал ўсиш суръатлари тухумдон, сут бези, оғиз бўшлиғи аъзолари, бош мия ўсмалари ва буйрак, сийдик қопи ўсмаларида кузатилмоқда. Болаларда хавфли ўсма касалликлари 2,5-3 %ни (умумий касалликлар структурасида) ташкил қилади.

Онкологик касалликларни барвақт аниқлашда унинг дастлабки белгиларига эътибор бериш керак.

Бунда касалликни ривожланишида клиник белгилар муҳим аҳамиятга эга. Ўсма жараёни узоқ йиллар ривожланишини инобатга оладиган бўлсак ва уни 80 % беморларда тўқималарда ўсма олди ўзгариши ёки ўсма олди касалликларидан кейин ривожланиши мумкин. Шунинг учун ўсма касалликларининг ўзига хос белгилари (симптомлари) бўлмайди, бўлса ҳам уни илғаб олиш қийин. Бундан ташқари ҳар бир аъзонинг ўсма олди касалликлари мавжуд бўлиб, ўзига хос клиник кечувга эга бўлади.

Бундан ташқари, хавфли ўсма ривожланиши ҳар бир аъзо учун ўзига хос хусусиятга эга.

Организмдаги ўсма олди касалликларини ўз вақтида аниқлаб, уни даволаш хавфли ўсма ривожланишини бартараф қилади. Ўсма олди касалликларига туғма аномалиялар, сурункали ўзгаришлар, узоқ вақтлардан буён битмаётган яралар, оқмалар, жароҳатлардан кейин тўқималардаги ўзгаришлар, хавфсиз ўсмалар, тўқималардаги гиперпластик ва ўсма олди ўзгаришлари киради.

Барча ўсма олди касалликлари 2 турга бўлиниб, уларни хавфли ўсмаларга ўтиши икки хил йўл билан бўлади:

1. Факультатив ўсма олди касалликлари.
2. Облигат ўсма олди касалликлари.

Факультатив ўсма олди касалликларига қуйидагилар киради: теридаги қарилик кератози, бачадон бўйни лейкоплакияси, эрозияси, меъдани, йўғон ичак полипи, фиброз-кистоз мастопатия, фиброаденома, тератомалар, куйгандан кейинги чандиқлар, оқма яралар, бачадон бўйни гормонал гиперплазияси.

Ушбу касалликлар ўзига хос белгиларга эга бўлиб, узоқ вақтлар мобайнида организмда ривожланиб 5 % гача хавфли ўсмаларга айланиши мумкин.

Облигат ўсма олди касалликлари аксарият ҳолларда хавфли ўсмага айланиши мумкин. Шуни инобатга олиб, олимлар хавфли ўсма касалликларининг дастлабки клиник белгиларини облигат касалликлардан қидириш керак дейишади. Облигат касалликлар турига йўғон ичак полипози, терини пигментли ксеродермаси, тери Боуэн дерматози, Педжет касаллиги, бачадон бўйни дисплазияси, меъдани тана қисми каллёз яраси, эрозив эгофагит, ярали ректит, индуратив панкреатит ва бошқа касалликлар киради. Ушбу касалликларнинг хавфли ўсмаларга ўтиши узоқ даврни ташкил қилади.

Хавфли ўсмаларнинг ривожланиши узоқ давомли жараён бўлиб, клиник симптомлар шунга яраша намоён бўлади. Клиник симптомларнинг рак касаллигида пайдо бўлиши кўп жиҳатдан хавфли ўсмани қайси бир аъзода пайдо бўлишига, унинг гистологик структурасига, касаллик босқичига, метастазларнинг борлигига ва клиник шаклига боғлиқ бўлади. Хавфли ўсмани клиник симптомларини пайдо бўлиши, кўп жиҳатдан ўсма жараёнини ривожланишига боғлиқ.

Ички аъзоларда жойлашган хавфли ўсмаларда клиник симптомлар аксарият ҳолларда ўтиб кетган босқичларда намоён бўлади. Беморларда ўз-ўзидан озиб кетиш, оғриқ пайдо бўлиши, иштаҳа бўғилиши, кўнгил айнаши, қайд қилиш, ич кетиши ёки қотиб қолиши, ичакдан патологик ажралмаларнинг кетиши бу хавфли ўсма касалликларининг ўтиб кетган босқичларида аниқланадиган симптомларга киради. Аксарият ҳолатда ички аъзоларда жойлашган хавфли ўсмаларда клиник симптомлар дастлабки босқичларда яққол намоён бўлмайди. Кўпчилик беморлар онкология муассасаларига касалликнинг ўтиб кетган босқичларида, юқорида баён қилинган симптомлар билан мурожаат қилади.

Хулоса қилиб, шуни айтиш мумкинки, хозирги замонда хавфли ўсма касалликларини барвақт аниқлаш имконияти мавжуд. Бунда биринчи навбатда, хавфли ўсма касалликларининг клиник симптомларини тўғри талқин қилиш, аҳоли орасида хавф гуруҳига эга бўлган инсонларни тўлиқ текшириш ва диспансер ҳисобига олиш, ўз вақтида ўсма олди касалликларини аниқлаш, унинг назоратини олиб бориш ва даволаш, замонавий тиббий усулларни кенг миқёсда қўллаш (молекулярбиологик, молекуляр-генетик, эндоскопик, ультратовуш, компьютер томография). Умумий амалиёт шифокорига бу йўналишда асосий вазифа юклатилади, бунинг сабаби, биринчи маротаба бемор умумий амалиёт шифокорига мурожаат қилади.

Шерали ЮСУПОВ,
Тошкент шаҳар онкология диспансери онкоурологи

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"AGRO SANOAT MULK MARKAZI" МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

"Agro sanoat mulk markazi" МЧЖда 2016 йил 23 февраль куни соат 11:00 да бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги хатланган мол-мулклар қўйилмоқда: I. Мирзо Улуғбек туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган, 24.03.2014й. кунги 1-12/14-сонли ижро варақа: 1. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01/126NBA бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 76 180 500 сўм. 2. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01/154NBA бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 76 180 500 сўм. 3. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01/145MAA бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 76 180 500 сўм. 4. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01/802OAA бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 76 180 500 сўм. 5. 1999 йилда и/ч дав. бел. 01/010TAA бўлган "Мерседес Бенц" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 79 942 500 сўм. 6. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01/075ZAA бўлган "Audi S5 Coupe 4.2" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 263 787 678 сўм. 7. 2009 йилда и/ч дав. бел. 01/763TAA бўлган "Эпика" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 51 727 500 сўм. 8. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01/B432HA бўлган "Audi A8L Quatro" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 211 612 500 сўм. 9. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01/N557JA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 42 134 400 сўм. 10. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01/470NBA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 43 168 950 сўм. 11. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01/438NBA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 41 381 154 сўм. 12. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01/544NBA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 41 382 000 сўм. 13. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01/439NBA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 41 382 000 сўм. 14. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01/856LAA бўлган "Hyundai H-100" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 50 787 000 сўм. 15. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01/906DAA бўлган "Лада11184-114-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 750 500 сўм. 16. 1999 йилда и/ч дав. бел. 01/905DAA бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 16 176 600 сўм. 17. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01/275EAA бўлган "АГБСНГГАЗ330200-1414-21" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 37 620 000 сўм. 18. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01/920DAA бўлган "Ваз11183-110-20" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 280 250 сўм. 19. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01/921DAA бўлган "Лада11193-110-20" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 750 500 сўм. 20. 2007 йилда и/ч дав. бел. 01/913DAA бўлган "Ваз21041-182-20" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 17 775 450 сўм. 21. 2006 йилда и/ч дав. бел. 01/922DAA бўлган "Лада11183-110-20" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 18 339 750 сўм. 22. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01/908DAA бўлган "Лада11174-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 18 810 000 сўм. 23. 2006 йилда и/ч дав. бел. 01/911DAA бўлган "Ваз21104" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 18 810 000 сўм. 24. 1956 йилда и/ч дав. бел. 01/056TAA бўлган "ЗИМ-12" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 12 953 288 сўм. 25. 1969 йилда и/ч дав. бел. 01/069TAA бўлган "Опель Адмирал" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 7 935 970 сўм. 26. 2011 йилда и/ч дав. бел. 01/061WBA бўлган "Isuzu NQR 71 PL" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 75 240 000 сўм. 27. 1941 йилда и/ч дав. бел. 01/041MAA бўлган "Гономак" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 9 129 028 сўм. 28. 1943 йилда и/ч дав. бел. 01/043MAA бўлган "Крайслер" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 3 381 121 сўм. II. Мирзо Улуғбек туман СИБ томонидан: 1. 7.01.2014й. кунги 613/12-сонли ижро варақа, "Феруза Баракат Сервис" МЧЖда сақланаётган 2008 йилда и/ч дав. бел. 10/A532GA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 16 183 784 сўм. 2. 15.08.2011й. кунги 25578-85/22-25-12-сонли ижро варақа, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1995 йилда и/ч дав. бел. 19/A351 бўлган "SK 24" ярим тиркама. Бошланғич нархи 19 754 222 сўм. III. Сергели туман СИБ томонидан, Сергели туман СИБ ҳудудида сақланаётган: 1. 20.06.2014й. кунги 10-1410/7037-сонли ижро варақа, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01/209BBA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 10 474 692 сўм. 2. 20.06.2014й. кунги 10-1410/7618-сонли ижро варақа, 2009 йилда и/ч дав. бел. 10/M000147 бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 28 026 000 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимларининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич нархининг 10% дан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибида савдо ташкилотчиси – "Agro sanoat mulk markazi" МЧЖнинг "Капиталбанк" АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР: 302159464.

Манзил: Тошкент ш., Қушбеги кўч., 18-уй. Тел: 250-83-29.

Гувоҳнома: 006388.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 5 февраль куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 1 даража совуқ, бир даражаси илиқ атрофида бўлади, кундузи — 11-13 даража илиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 5 февралда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9221

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 255

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13042 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 14.40

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ